O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XALQ DEPUTATLARI
SHAYXONTOHUR TUMAN
KENGASHINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

ШАЙХОНТОХУРСКОГО
РАЙОННОГО КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 285/1-30

2019 йил «18» сентябрь

Шайхонтоҳур туманидаги географик объект номларини тартибга келтириш тўғрисида

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига асосан, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Шайхонтоҳур туман комиссиясининг 2019 йил 28 июлдаги 01-2019-сонли ҳамда "Пахтакор" футбол клубининг 2019 йил 19 апрелдаги 398-10-сонли мурожаатларини инобатга олиб, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Шайхонтоҳур туман комиссиясининг 2019 йил 22 июль санасида ўтказилган йиғилиш баёни билан тасдиқланган, Олмазор кўчасидан "Пахтакор" футбол клубигача бўлган номсиз берк кўчага "Пахтакор – 79" берк кўчаси номини бериш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Шайхонтоҳур туман комиссияси **(Р.Курбонов, Э.Жўраев),** Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Шайхонтоҳур туман филиали **(Ш.Мирсагатов),** Шайхонтоҳур тумани Ободонлаштириш бошқармаси **(Д.Бекбўтаев):**

белгиланган тартибда кўчалар номлари реестрига ўзгартиришлар киритилиши, кўча номи акс этган номлагичлар ўрнатилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашига ахборот берилиши белгилаб қўйилсин.

3. Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши Котибияти **(Б.Ахунов):**

мазкур қарорнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари **(Р.Курбонов)** зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари
Шайхонтоҳур туман Кенгаши
раиси ўринбосари **М.Адилов**